

ХАЛҚ АРАСИДА



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 АПРЕЛЬ, ЖУМА № 74 (822).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МОСКВАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Россия Федерацияси пойтахтида ўтадиган навбатдаги олий даражадаги учрашув нун тартибидан йигирмадан ортиқ масала ўрин олган. Жумладан, иқтисодий иттифоқнинг доимий органи — Давлатларaro иқтисодий қўмита тузилиши, эркин савдо минтақаси яратиш сингари бир қанча битимлар лойиҳасини тасдиқлаш, шунингден, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни муҳофама қилиш кўзда тутилмоқда.

Аэропортда мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халидов, республика Бош вазيري А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатиб қолганлар орасида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги факултети ва мухтор элчиси Ф. Сидорский ҳам бор эди.



МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

13 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов мамлакатимизнинг машҳур спортчилари, халқаро олимпиадада ўйинлари иштирокчиларини қабул қилди.

Ўзбек спортининг Руфат Рисканов, Собир Рўзиев, Рустам Казаков каби машҳур вакиллари маҳорати жаҳон миқёсида тан олинган, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Утган киши олимпиадада ўйинлари эса спортчиларимизнинг имкониятлари ва салоҳияти кат-

та эканлигини яна бир бор намоён қилди. Норвегиядаги қишки олимпиадада ўйинларида Ўзбекистонлик 7 нафар спортчи қатнашиб, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган эди. Лина Черязованинг олимпиада чемпиони бўлиши ва олтин медални қўлга киритиши спорт мухлисларини беҳад қувонтирди. Яқинда ана шу спортчиларини мукофотлаш тўғрисида Президентимизнинг махсус Фармони эълон қилинган эди. Учрашув сўнггида Республикаимиз Президентини Ислам Каримовга асосан Лина Черязовага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи мурраббийлар — Дмитрий Карунов ва Владимир Лисовга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози унвонларини топширди. Шунингдек, бир гуруҳ спортчиларга ҳамда спорт ходимларига Фахрий Ерликлар берилди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро олимпиада қўмитаси президенти Хуан Антонио Са-

маранч Ўзбек спортчиларини қўтлаб, уларга келгуси халқаро мусобақаларда муваффақият тилади.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري А. Муталов, Ўзбекистон Президентини Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош ваиз Уринбосарлари М. Қорабоев, У. Султонов, Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитаси президенти ва давлат спорт қўмитаси раиси С. Рўзиев иштирок этди.

(ЎзА).

Халқаро анжуман яқунланди

14 апрель кунини «Ижтимоий йўналишлар бозори иқтисодиётига ўтиш шароитида иш билан машғуллик ва хусусий сектор норхоналарини ривожлантириш» мавзусидаги халқаро анжуманда яқунли музокара-лар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари Оқилжон Обидов, ВМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Халид Малик ва халқаро меҳнат ташки-

лик, тадбиркорлик ҳамда хусусий секторни ривожлантириш учун қўрилаган амалий чоралар, дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш ҳақидаги тавсиянома қабул қилинди. Ушундан кейин бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иш билан машғул-

даврнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, ушбу соҳаларга янгилаш ёндашиш зарурлиги ва бунда давлат томонидан қўриладиган ёрдамнинг алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу кунини халқаро анжуман яқунланди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ Ғ. ЗАҲРИДИНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши транспорт, йўл ҳўжалиги, алоқа ва информатика қўмитасининг раиси Ғулом Заҳридинович Заҳридинов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1994 йил 13 апрель.

ЧИГИТ ВАҚТИДА ЭКИЛАДИ

Жиззах вилоятининг Арнасой туманидаги 14-а ширкат ҳўжалигида чигит экишни қисқа муддатда сифатли ўтказишга бағишланган кўргазмали семинар-кенгаш бўлди.

Кенгаш мазкур ҳўжаликда ўтказилган бекиз эмас. Хўжалик пахтакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб чигит экишни бошлаб юборди. Улар бу йил 10 кунда тугаллаш ниятида. Шу мақсадда барча техника инга шай қилинган. Деҳқонларни моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунинчи, чигит экишни биринчи бўлиб тугаллаган бригаданинг ер тайёрловчиси 150 минг сўм, агрегатини бошқарган механизатор 100 минг сўм, сеяланич эса 50 минг сўм пул мукофоти олади. Қўчатларини тўлиқ ундириб олган бригадаларга эса қўшимча 150 минг сўмдан 250 минг сўмгача пул берилади.

Кенгашда вилоят ҳокими А. Тошкенов сўзга чиқди.

(ЎзА).

Қашиқадарё вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Вазирлар Маҳкамасида республика ҳудудида баҳор-ёз ойларида тошин-сел оқимларини талафотсиз ўтказиб юбориш, рўй берган қўчки оқибатларини тугатиш ва келгусида бундай ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирларига бағишланган йиғилишда Президент Ислам Каримов ўрта-

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

га қўйган вазифалар муҳим эдилди. Вилоят ҳокими Т. Хидиров шу ҳақда маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиққанлар бу йил баҳор серб-чора-тадбирларига, мутахассисларнинг фикрига қараганда, апрель-май ойларида ёнғингарчилик меъёридан

ҲАР БИР ИНСОН ҲАЕТИ УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ

ФАЛОКАТНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Кейинги йилларда баҳорнинг сербени келиши тўғрисида, унинг ёнғинларидан ўнлаб катта-кичики кўчклар, суринилар бўлиб турибди. Уларнинг аксарияти безарар кечиб ўтган бўлса-да, ўтган йили Кичик туманидаги Жаус қишлоғида юз берган тоғ кўчкиси тўғрисида юз берган фалокат кўчкисини ҳушёр қилиб қўйди. Натияжада тоғларда назорат ва кузатув хизмати иш қўчайтирилди.

Яқинда Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг суризмаларни кузатиш хизмати ходимлари ёнғингарчилик меъёридан ошгани оқибатида Туркистон тизма тоғларининг Чумқўли, Водомзор, Косагар қишлоқлари тепси-

даги қисмида ёриқлар пайдо бўлганини, улар кун сайин ўртача бир сантиметр кенгайиб бораётганини аниқлади. Бу ҳақда туман ҳўжалиги, вилоят ташкилотларига, ушбу ҳудудда фаолият кўрсатаётган «Варғана» жамоат-шир-

кати таъминлаш биринчи галдаги вазифалардан. Ингилишда бу борда қилинаётган ишлар тўғрисида масъул раҳбарларнинг ахборотлари тингилди. Маълум бўлишича, шу кунга қадар вилоятдаги 44 та аҳоли пунктдан 501 оила хавфсиз жойларга кўчирилган. Ингилишда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди.

(ЎзА).

сиқ кийим, озиқ-овқат билан таъминлаш тарафлари кўриляпти.

Тоғ қишлоқларида деярли ҳар кунини ёнғин туртибди. Баҳор бошлангандан буён уч марта қалин қор тушди. Штабда барча иш аниқ-пухта ташкил этилаётгани тўғрисида суризма хавфи тугаллаш жойлардан 106 та оила кўчирилиб, бошқа жойлардан бошлана берилди. Элиқ оила қариндош-уруғларининга қўчиб ўтди. 100 дан ортиқ палатка тарқатилиб, хавфсиз жойларга тикилди. Бир неча хонадон қишлоқ чўйхонасига жойланди. Уларни ўтин-қўн, жон ва бошқа зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бир маромда ташкил этилаётир. — Ҳозир кўчки бўлиш-бўлмаганини кутиб турадиган пайт эмас, — дейди туман ҳокими Саод Пармонов. — Биз хавфли жойлардан кўчирилган аҳолига сай-хонликлардан, илгаридан деҳқончилик қишлоб келинган ерлардан томирлар ажратиб бердик. Уларга қанча цемент, тахта-ёғоч, гипс, шифер зарурлиги аниқланиб, пешма-пеш этикизи берилмоқда. Тоғ ва тоғолди зоналаридаги вазият синчиқлаб кузатиб бориляпти. Бунинг учун мутахассислар, геологлар кечаю кундуша иш олиб бормоқдалар.

П. ГАДЖЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва ЎзА муҳбирлари хабар қиладилар

БАЙРАМ ШАРАФИГА
«Ўтов» ҳиссасдорлик жамоасининг Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси бир йиллиги шарафига ишлаб чиқарган эскилик лаганлари савдога чиқарилди.

ЧИМБОЙЛИК ҳўнармандларнинг сеҳрли қўлларидан чиққан лаган, бодия, гулдонлар пишқириги, сержиллиги, тақорланмас миллий нақшлари билан эл оғинга тушди. Кунини кеча «Ўтов»да яна бир янгиликка қўл урилди. Кийим тикиш цехи иш бошлади. 16 нафар хотин-қиз касаначилик билан шуғулланиб аёллар ҳалати, болалар кийим-кечаклари, кўрпа-ёстиқ жилдлари тикишляпти.

ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ЙУЛИНИ ТОПАДИ

ПАИШАНБА кўрғонидан дорихона Самарқанд вилоятида бўлиб янгилаштирилган. Энди қон босими, ички касалликлар билан хасталанган ёшлар узоққа бориб овора бўлишляпти.

СУРАТДА: дорихона технологи Қ. Эралиев.

ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ ФАРФОНА мебель ижара корхонаси маҳсулот тайёрляпти.

ЎЗБЕКИСТОН ва Россия Президентларининг иқтисодий алоқаларини тиклаш, уни ривожлантириш борасидаги ахдлашуви ана шу имкониятни яратди. Бу ерда Санкт-Петербургда мебельсозлари билан ҳамкорликда «Ферро-мебель» қўшма корхонаси ташкил этилиб, янги намунадаги «Валдай» девор жавонлари ишлаб чиқарилляпти.

МИРЗАҲУЛДА ЯНГИ АЛОҚА СТАНЦИЯСИ ГУЛИСТОНДА янги автомат телефон станцияси қурилди.

УНИНГ биноси тез юксалиб бораётган даҳада барпо этилди. Янги станция янги туширилган, абонентлар сонини янги кинишга қўяпти. Энди вилоят маъразадаги телефон тармоқлари 12 мингта телефонга хизмат қила бошляпти. Гулистондаги яна бир янгилик маҳаллий ҳўжиният қарорига кўра шаҳарликлар кўчалардаги таксофонлардан тенни фойдаланишляпти.

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕГАДАР ЯНГИЛИКЛАР ФАКТАГАР ВОКЕГАДАР

ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Бугунги кунда республикамизда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига катта таъбирлар қилинмоқда. Чунки ўша қирғиқбарот жангларда бизнинг боболаримиз, оталаримиз ҳам қон кечинган. Шахид кетган жигарларимиз хотираси эса дилларимизни тарқ этмаган. СҒРАТДА: асакалик собиқ жангчи Еқубжон ота Раҳмонов урушдан қайтмаган дўстлари руҳини шод этмоқда. Т. ХАМРОҚҮЛ олган сурат.

Жид-мадрасаларда юриб, ўзлари вақил бўлган маъзаб ёки оқимнинг қарашларини мусулмонлар ичда тарғиб-таъшиқ қилишди. Баъзи бир таблиғчилар учун давлатчилик касб-корга айланган. Улар оиласи, уй-ўрғорини унутиб, йиллаб даъват билан шуғулланишди. Уларнинг орасида билиб-билмай, ёшларнинг ҳам эргашётгани одамни ташвишга солади. Аксарият ёшлар шу йўлга кириб, мактаб ҳамда институтларни тарқ этишяпти. Ҳа, даъватчилар Ваҳоддин Наҳшбанд таълимоти — «Дил ба ёру даст ба қорын» тани олишмайди, чоғи. Шунинг учун ҳам Саудия Арабистони, Ўзбекистон, Афғанистон, Амриклари ва яна бир қанча мусулмон мамлакатларида таблиғчиликни инкор этишди. Таблиғчиларнинг биринчи марта қўрган киши уларнинг қайси оқим ёки маъзабдан нақсонли фарқлай олмаслиги мумкин. Чунки улар дастлаб кишиларни ислом динининг умумий қондаларига амал қилишга даъват этишди. Жамоа ичидан хайри-хонда қўллаб-қувватлаш ҳамда кенг ёйиштиришди. Утган асрининг ўрталарида Хиндистонда «Қодийнийлар»

да қисқа муддат ичда масжид мадрасалар одамлар билан тўлиб кетган. Оёда тик туриш учун ҳам жой топиш амри маҳол бўлиб қолган эди. Лекин... узоққа чўзилмади. Турли сней кичулар ҳамда диний оқимлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар республикада қонли воқеаларнинг юзга келишига сабаб бўлди. Натижада йўқолди, болалар етим, аёллар бева қолди, омонат эътиқодлар қўпаяқун бўлди. Турли оқимларнинг пайдо бўлиши ва кўпайиши табиий ижобий ҳодиса эмас. Чунки уларнинг айримлари эҳтиёж тўғрисида пайдо бўлган бўлса, айримлари катта кучлар ўртасига ниҳоят соғлиш ҳамда заифлаштириш мақсадида дунёга мулқоқ хўкморон бўлишни истаётган кучлар томонидан ўйлаб топилган воситадир. Бундай ёвуз кучлар «сонин ўзидан чиқариши» усули билан инсониятни ҳар қандай бадбахликларга дучор қилиши ҳеч гап эмас. Бизни ташвишлантиратган асосий нарса ҳам ана шу. Таблиғчилар юртимизга асосан Покистон, Хиндистон, Исроил, Туркия ҳамда Франция мамлакатларидан ташриф буюришмоқда. Қизиқ жойи шунданки, улар ал-

зий масжидга бориб келди. У ерда бизни Мухиддин ака деган киши жуда яхши кутиб олди, таниш-билишларга салом деб юборди. Ундан Тошкентга йўл олиб, Қўйилқдаги «Қўшқўрғон» масжидига келдик. (Имоми Қўрбонали) Бу ерда икки кун бўлиб, барча амалларни бажардик. 11 январь. Жамоа миз бўлиб, иккита масжидга тарқалди. Абдулазиз, Аҳрор, Равайн Абдулазиз қорни имомлик қилаётган масжидга кетди. У ерда даъват ҳамда баён амалларни адо этилди. Виз Мухторхон, Наби ҳамда вақил деган киши билан (даъватчи) билан «Файзобод» масжидига бордик. У ерда фақат баён қилдик. Жовлада халқ орасида қаршилар бор экан...»

ДАЪВАТЧИЛАР

УЛАРДАН НА ДИН, НА ДАВЛАТ МАНФААТ КЎРАДИ

деб номланган диний оқим пайдо бўлган. Уни Хиндистонда мустамақкачилик сиёсатини мустақкамлаш учун инглизлар ўйлаб топилган.

Қодийний Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг эътироф этган ҳолда «у ўз вақифасини тутатди, ундан кейин яна пайгамбар келади, у — охира пайгамбари менман», деб даъво қилган.

Аҳли Қуръон оқимига мансуб кишилар эса мусулмонларни фақат Қуръонни Наримнинг ўзига амал қилишга чорлайди. Унинг шарҳи бўлиши — ҳадис китобларини инкор қилади.

Салафийлар эса (уларни қадимийлар деб ҳам аташади), Исломдан кейинги дунёвий маданият ҳамда меросининг инкор этишди. Улар Исломни аввалиги, яъни пайдо бўлган даврдаги ҳолатини тиклашмоқчи бўлишди. Мусиқа, ашула эшитиш, аёлларнинг рақсига тўшиши, авлиёлар мовозини зийрат қилиш ҳамда вафот қилган кишилар ҳақида 20 ва 40 кунлиқнинг бидъат деб ҳисоблайди.

Бундай оқимлар фақат сунгги асрининг маҳсули бўлиб қолмасдан, бундан анча бурун ҳам пайдо бўлган. Унга Х асрда шаклланган қарматийларнинг мисол қилиб келтириш мумкин. Маълумки, Қуръонни Қаримда опа, қиз, хола ҳамда аммага улаишиш мумкин эмас, дейилади. Қарматийлар эса лекин набиргага уйланши мумкин, деб фатво чиқаришди. Бу эса ўша пайтда мусулмонлар ўртасида катта келишмовчиликларнинг юзга келишига сабаб бўлган.

Шундан кейин Маҳмуд Ғазнавий қарматийларни юртидан сургун қилиб юборган. Қўриб турганингиздек, ҳар бир оқим, гарчи Исломнинг умумий қондаларига бир хил амал қилса-да, лекин қайсибир маънода ва қаердадир бир-бирини инкор қилади. Бу эса узоқ йиллик истибоддан сунг Ислом ақидалари эндигина қайта шаклланаётган ҳудудда истиқомат қиланган мусулмонларни чағиртади, уларнинг бирлиги ва ҳамжихатлигига раҳна солади, минтақамизда септантчиликнинг авж олдирди ҳамда энди қад ростилаётган эътиқодимизни тагин бир бор қўпаяқун қилиши мумкин.

Қўшни Тожикистон Республикасида бундан 3 — 4 йил олдин худди ана шундай ҳол содир бўлган эди. Турли оқимга мансуб даъватчилар мусулмонларни шиддат билан оёққа турғизган, ўз қарашлари билан қуроллантириб, Исломни бийи ўрнига, қон тўкилишига сабаб бўлган эдилар. Бундан мустақамлашчилик ҳариди ётган ташкилотлар энг қўлай восита сифатида фойдаланиб қолишганди. Ушан-

ларнинг қарашлари эса кўп ҳолда унга зид келади. Бу ҳам агар эҳтиёж бўлиб, юртимиздаги оқимларнинг ҳамда барқарорлигининг бузилишига замин яратиши, ганимлар эса бундан устали билан фойдаланишлари мумкин.

Кузатишларга қараганда кейинги пайтда Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда 15 таблиғчиларнинг таъсир доираси тобора кенгайиб бормоқда. Ганимиз асосли бўлиши учун таблиғчиларнинг 17 кишидан иборат Мухторхон деб номланган жамоасини 40 кунлик даъват давомида тўтган кундаларидан айрим мисоллар келтирмоқчимиз:

«6 декабр, 1993 йил, соат 15.00 да «Тошкент-Семипалатинск (№ 19) поездида ўтирдик. Тошкент вақти билан соат 16.00 да «Лугова» бенағиза келиб тушдик. Ундан «Лугова — Бишкек» поездида «Луговка» вокзалдан марказий масжидга қанда 15 минутлик йўл экан. 7 декабр. Шу кунни 20-хуторта келиб, Хуфтондан кейин суҳбат бўлди. 8 декабр. Жамоа миз кундузги амалларини бажаришдан кейин шон намозини ўқиб, даъват қилди. Хуфтон намозидан кейин баён бўлди. Ваъйни Исоқхўжа ака қилди. Шу

ерда даъватдан кейин уч киши 40 кунга, икки киши 3 кунгача таблиғчилар сафинга қўшилиш учун ният қилди. 9 декабр. Визнинг жамоа: Мухторхон ака, Наби ака, Абдуазим ака, Равайн ака, Абдуқодир ака, Рустам ака, Аҳрор ака, Исомиддин ака ҳамда Аҳмад ака (бу киши 20-хутортдан уч кунга ният қилган эдилар). Шу кунни имом Шодий номли масжид (с/х Джене-жар, пос Чўлпонга) етиб келдик. Хуфтон намозидан кейин даъват қилдик. 10 — 11 декабр. Рамазон ака деган киши билан икки кун бирга бўлдик. Ана шу масжиднинг ёнида яшовчи Абдуваллов ака, Нурило ака ва муртларимиз бизга яқиндан кўмак беришди. Нурило кетиш олдиндан битта қўрғон ҳақида қилди. 12 декабр. Абдуманнон ака билан Рамазон ака биз билан уч кунга «Западий» қишлоғига даъватга келдик. Визни қишлоқ намозхонлари яхши кутиб олишди. Масжидда шароит йўқлигидан Сайфулло деган кишининг хонадонига тўхтадик. Клубнинг масжид учун беришган экан. Уни очиб, шу ерда уч кун керакли амалларни бажардик. Сайфулло, Магамет, Асан деган кишилар бизга вақил бўлиб хизмат қилишди. 15 декабр. Никнегуль совхозининг 1-булимга бориб тушдик. Абдуманнон биз билан бирга юрди. Шу кунни йиғилганлар жовла (даъват) билан баён қилди. 16 декабр. Уч кишини зийрат қилдик. Асп Намозидан кейин амир Исоқхўжа ака зийратга келди. Мақил қилиб, камчиликларимизни рўй-рост айтдик. Исомиддин билан Абдуқодир у киши билан бирга кетди. 17 декабр. 20-хутортдан даъватга чиққан учинчи жамоа амيري билан маслаҳатлашдик. уларнинг жамоасидан бир киши (Ҳабдулло) Тошкентга қайтиши сабабли биздан Рустамжонни уларни жамоасига ўтказдик. Жумъа намозини ўқиб, шу кунни Қиёил-тау овулидаги мадрасага етиб келдик. 18 декабр. Шу ерда жовла, зийрат ва баён қилдик. Шундан кейин 8 киши 40 кунга даъват қилиш учун ният қилди. 19 декабр. Шу қишлоқнинг Жомет масжидида яна даъват қилдик. Бир киши 40 кунга, икки киши 3 кунга даъват қилиш учун ният қилди...

...Пешин намозини Лангар масжидида ўқидик. Ундан маслаҳат қилиб, Бекобод шаҳрига йўл олдик. Хуфтон намозини Бекобод шаҳридан «Оқмасжид»да ўқидик. Ва шу ерда икки кун истиқомат қилдик. Лекин масжид имом хатиба бизга жовла (даъват) амалларини бажариш учун руҳсат бермади. Бунинг учун диний назоратдан хужжат керак деб айтди. Воқца амаллари бажардик. 8 январь кунни қўшни «Қорамзор» масжидига бордик. Қўя сўйиб, одамларни меҳмон қилдик. У ердан автобусда Чуга йўл олдик. Масжид бозордан 300 метр узоқликда экан. Уч кун шу ерда истиқомат қилдик. Одамларни даъват қилиш учун чақирган эдик, жуда

Агар таблиғчилар — даъватчиларнинг сўзларига эътибор берган бўлсангиз, улар Марказий Осиё минтақасида кенг фаолият кўрсатишгагина гувоҳ бўласиз. Қўрииб турибдими, таблиғчилар 40 кунлик даъват давомида 60 га яқин кишига ўз оқидаларидан эргаштира олишга муваффақ бўлишган. Сафар давомида ўзларига ўхшаш бир неча таблиғчи жамоаларга дуч келишган, сафларини тез-тез ўзгартириб туришган. Ким-

Шу ўринда фикримизнинг далили сифатида газетхонлар диққатини яна бир сафар кундалигига жалб қилмоқчимиз. Тошкентдан даъватга 1993 йил 6 декабр кунни чиққан Мухторхон жамоаси аъзоларидан бири 20-хуторта етганида бошқа бир жамоа сафинга қўшилиди. У ана шу сафар давомида тугган кундалигида қўйидагиларни қайд қилган: «...Бишкек — Лугова» поезди билан Бишкекка етиб келдик. Вокзалдан масжидгача бўлган масофа 2 бекат чиқар экан. Бу муфтий ҳазратлари ўтириватган масжид бўлиб, унда биздан ташқари Покистондан келган яна бир жамоа ҳам кўнқ бўлган экан. Шу ерга келган одамлар тақриб буюан 20-хутортин Манас, яъни доғистонликлар ибодат қилган масжидига бордик. Ана шу ерда Тошкентдан чиққан бизнинг жамоа учта бўлиди. Бизнинг янги жамоа сафинга шу масжиддан уч киши қўшилди ва жами 7 киши бўлиб Тўқмоқ деган жойга кетдик. Ундан Шўртепа масжидига йўл олдик. Тўқмоқ билан Шўртепа масжидининг ораси 4-5 километр келар экан. Бизни Шўртепа масжидига ҳам яхши кутиб олишди. Бу ерда, асосан, дунганлар — яшар экан. Шўртепада уч кун бўлган. Биз билан уч кунлик даъватга чиққан жамоа орақасига қайтди. Лекин бу ерда йиғилган жамоага даъват қилинганда бирдангина 20 киши жовла (даъват) учун ният қилди. Ундан чиқиб Масаччи деган жойга бордик. Бу ерда ҳам, асосан, дунганлар яшар экан. Визни яхшилаб кутиб олишди. Катта масжид қурилатган экан. Ана шу масжидда олтин уч турдик. Дунганлар ислом динини қаттиқ ушлашган меҳмондуст халқ бўлар экан. Биз бу ерда Абуалхалиқ қорни, Идрис домла, Абдулқосим деган одамлар билан танилдик. Визнинг жамоага Ўзбекистондан келган жамоадан яна 2 киши қўшилди. Бу ерда бизни Миллафон масжидига тақлиф қилишди. Эртаси кун шу ерда тўпаланган жамоага даъват қилдик. Даъват учун яна 21 киши ният қилди. Бу ердан чиқиб Миллафон масжидига бордик. Визни яхши кутиб олишди. Бу ерда ҳам асосан дунганлар истиқомат қилишар экан. Ана шу ерда 6 кун ишдик. Мақтаб, училлиқ, қўшни қишлоқ ҳамда Денисовка деган жойларга бориб, даъват қилдик. Масжид имоми Исғ деган киши экан.

Биз билан Масаччидан чиққан жамоани бошқа масжидга юбордик. Шўртепа билан бизга бирга кетди. Жумъа намозидан кейин Геворнекка деган жойга бордик. У ерда уч кун турдик. Қўя сўйиб, одамларни меҳмон қилдик. У ердан автобусда Чуга йўл олдик. Масжид бозордан 300 метр узоқликда экан. Уч кун шу ерда истиқомат қилдик. Одамларни даъват қилиш учун чақирган эдик, жуда

«Евангелизация» христианства мусулман» деган диний жамият бор. Уларнинг асосий вазифи си турли хил воситалар орқали христианликка даъват этишдан иборат. Улар ўз мақсадларини амалга ошириш учун фақат христианлардан эмас, мусулмонлардан ҳам фойдаланишмоқда. Мусулмонлар уларга одамларни христианликка даъват этувчи адабиётларни нашр қилиш ҳамда тарқатишда ёрдам беришмоқда.

Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтган «НАРП» деган диний жамият бор. У ёшларга Мун ақидаларидан сўз қилди. «НАРП»нинг маркази Ўзбекистонда жойлашган. Бунинг бую раҳбари — Сун Мен Мун. Маъмур ташкилот жаҳондун сармояси энг кўп ташкилотлардан бири ҳисобланади. Сун Мен Мун ўзини янги пайгамбар, деб эълон қилмоқда. «НАРП»ни ана шу ташкилотнинг Ўзбекистондаги филиали, деб аташ мумкин. Улар ваҳий қилинган бошқа мўъжадда китоблар ҳеч нарса эмас, фақат «Библия»ни ўқиб, деб даъват қилишди. Бундай қараш ёни ақиди бошқа динлар ўртасида ниҳоят соғмайди, деб ким қафолат бера олади?

Маъмур мақолини ёзишдан максат, кимнидир қоралаш эмас, балки Ўзбекистон фуқароларини ён-атрофда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан огоҳ этишдир. Зеро, рафлат — инсон фаолиятининг кушандаси, жами кўнгилсизликларнинг ибтидоиси ҳисобланади. Ўзбекистон ҳозир ўтиш давридан бошдан кечирмоқда. Бу давр — мамлакат таррақийети учун энг мураккаб ҳамда маъсуллик ҳисобланади. Юртимиз таррақийетини ўзига хош йўлни тавлаб олди, ҳаётимиз кундан-кун янгилашди, ўзгариб бормоқда. Юнесалиш ҳамда фаровонлигининг биринчи омилли тинчлик ва осойишталикдир. Юртимизда тоти омонли бор экан, юртбошимиз таъкидлаганидек, келажакимизнинг буюқ бўлишига шакл-шубҳа йўқ. Аммо биз ҳамда, айнаси ҳозир бир тан, бир жон бўлиб, олимизни бегона нигоҳлардан асрашимиз керак. Урғ

Латиф ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси.

Мададталаб мактублар

ЧОР-АТРОФИМИЗДАН ГАЗ ҚУВУРЛАРИ УТАДИЮ, АММО...

Қишлоғимиз яқинидан газ қувурлари ўтади. Қолаверса, Шўртанга 3 км. Қарши, «Славянская миссия» каби бир қанча ташкилотлар ўз ҳамфиқрларини молдий жиғатдан, христиан динига даъват этувчи турли хил адабиёт ҳамда техника воноситалари билан таъминлашда ақиддан қўмак бермоқда. Улар бундай хатти-ҳаракатлар охири қандай натижаларга олиб келишини билмайди, деб айтиш умчалик тўғри эмас.

Швецияда «Евангелизация» христианства мусулман» деган диний жамият бор. Уларнинг асосий вазифи си турли хил воситалар орқали христианликка даъват этишдан иборат. Улар ўз мақсадларини амалга ошириш учун фақат христианлардан эмас, мусулмонлардан ҳам фойдаланишмоқда. Мусулмонлар уларга одамларни христианликка даъват этувчи адабиётларни нашр қилиш ҳамда тарқатишда ёрдам беришмоқда.

Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтган «НАРП» деган диний жамият бор. У ёшларга Мун ақидаларидан сўз қилди. «НАРП»нинг маркази Ўзбекистонда жойлашган. Бунинг бую раҳбари — Сун Мен Мун. Маъмур ташкилот жаҳондун сармояси энг кўп ташкилотлардан бири ҳисобланади. Сун Мен Мун ўзини янги пайгамбар, деб эълон қилмоқда. «НАРП»ни ана шу ташкилотнинг Ўзбекистондаги филиали, деб аташ мумкин. Улар ваҳий қилинган бошқа мўъжадда китоблар ҳеч нарса эмас, фақат «Библия»ни ўқиб, деб даъват қилишди. Бундай қараш ёни ақиди бошқа динлар ўртасида ниҳоят соғмайди, деб ким қафолат бера олади?

Маъмур мақолини ёзишдан максат, кимнидир қоралаш эмас, балки Ўзбекистон фуқароларини ён-атрофда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан огоҳ этишдир. Зеро, рафлат — инсон фаолиятининг кушандаси, жами кўнгилсизликларнинг ибтидоиси ҳисобланади. Ўзбекистон ҳозир ўтиш давридан бошдан кечирмоқда. Бу давр — мамлакат таррақийети учун энг мураккаб ҳамда маъсуллик ҳисобланади. Юртимиз таррақийетини ўзига хош йўлни тавлаб олди, ҳаётимиз кундан-кун янгилашди, ўзгариб бормоқда. Юнесалиш ҳамда фаровонлигининг биринчи омилли тинчлик ва осойишталикдир. Юртимизда тоти омонли бор экан, юртбошимиз таъкидлаганидек, келажакимизнинг буюқ бўлишига шакл-шубҳа йўқ. Аммо биз ҳамда, айнаси ҳозир бир тан, бир жон бўлиб, олимизни бегона нигоҳлардан асрашимиз керак. Урғ

Латиф ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси.

Ю. ОТАЖОНОВ, Қоракалпоғистон Республикаси, Беруний шаҳри.

ШУ ИНСОФДАНИМИ?

Бундан сақина йил муқаддам Бойсун шаҳри чекнасидаги ташландиқ ер уй-жойга муҳтож 90 га яқин оғлага бўлиб берилган эди. Уша пайтда туман ҳокимлиги бу ерга иччиллик суви келтириш, озик-овқат дубюни мелдулқот қуришни ваъда қилувди. Аммо у ҳануа-гача бажарилмай келтири. Бундан фойдаланган туман коммунал хўжалигиданги тадбиркорлар бир машина сувини нақд 20 минг сўмга пуллашляпти. Шу инсофданими?

Дийдоркан аҳолиси номида Қ. РАМАЗОНОВ, А. ИМОМОВ, Ф. САИДОВ ва бошқалар (Жами 17 июль).

БУ ЙИЛ ҲАМ ОЛОЛМАЙМАН, ЧОГИ

Биз 1994 йил учун «Халқ сўзи», «Вилот» «Зарафшон» газеталари, «Ешли» ва

Ирисмат ҚАЙУМОВ, Олмазор даҳаси, Охунбобов кўчаси.

ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ УЙ-ЖОЙНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА МУЛК НАРХИНИ БЕЛГИЛАШ ДИРЕКЦИЯСИ Тошкент шаҳрида 1994 йил 30 апрел куни муқим сижимас иморатларни хусусийлаштириш кимошди савдосини ўтказишни эълон қилади.



Мамлакатимиз тарихини бойитишга ўз хиссангизни қўймоқчи бўлсангиз унинг ислохотларида иштирок этинг!
Тошкентдаги кўчмас мулклар ким ошди савдоси хусусийлаштириш жараёнида мулк эгаси бўлиш имкониятини беради.

Ким ошди савдосига қўйидагилар қўйилади:


1. "Хадра" меҳмонхонаси. ишлаб турибди. Бино Тошкент шаҳри Шайхон-таҳур туманининг Хадра майдонинида жойлашган. 160 ўринли. Ер майдони 5000 кв. метр. Синч-панелли 9 қаватли алоҳида бино. Биринчи қаватида кафе ва сартарошхона



2. Тугалланмаган метр. 2 қаватли гиштли бино. Умумий майдони 2060 кв. метр, шунинг 665 кв. метри фойдаланиш учун яроқли. Қурилиш-монтаж ишлари 70 фоизга бажарилган.

3. Тугалланмаган 3100 кв. метр. Алоҳида қурилиш. панель синчли баланд "Озиқ-овқатлар" магазини. Тошкент шаҳри, бино. Қурилишнинг Юнусобод туманидаги умумий майдони - 1313,4 кв. метр. Ишга яроқлининг хизмат кўрсатиш майдони - 10. 70,7 кв. метр. мажмуида. Қурилиш-монтаж ишлари Ер майдонининг сатҳи 69 фоизга бажарилган.

Дастлабки баҳоси - 467,6 млн. сўм-купон.



Дастлабки баҳоси - 816,2 млн. сўм-купон.



4. Тугалланмаган синчли бино. Савдо учун мўлжалланган майдони - Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Ибн Сино мавзесидаги озиқ-овқат магазини. 2 қаватли, панель

Дастлабки баҳоси - 566 млн. сўм-купон.

5. Иккита икки қаватли 6 уйлар жойлашган. Ҳар бир хонали коттеж. Пардозлаш ишлари бажарилмаган. Акмал Икромов тумани, Ўрикзор мавзеси, айланма йўл қарама-қаршисидаги ҳар бири 600 кв. метр ҳажмида ер майдони бўлган 16-17

Коттежларнинг дастлабки баҳолари:
16-коттеж - 233,4,
17-коттеж - 241,2 млн. сўм-купон.



6. Тошкент шаҳар, йўлининг ёқасида. Ҳамза тумани, Мухтор Ашрафий кўчасидаги 40-хонадонли, 5-қаватли 6-уйдаги бешта 3 ва бешта 4 хонали хонадон сотилади. Бино ТДСК 71 А/77 серияда, қурилган, панелли. Уй трамвай

Дастлабки баҳоси: 28,1 млн. сўм-купон. 46,3 млн. сўм-купонгача.



Ким ошди савдосига ўз вақтида ариза берган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ҳамда бошқа зарур ҳужжатлар хусусийлаштирилаётган бинонинг дастлабки баҳосининг 10 фоизини тўлаган кишилар киритилади.

Ҳақ тўлаш шакли тўловчининг ихтиёрида.

Ким ошди савдосида қатнашиш учун аризалар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 18 гача қўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13 уй, 1 - қават. Ким ошди савдосини ўтказиш қўмитаси.

Сиз бу жойга келиб сотиладиган уй-жойлар тўғрисида, шунингдек, ўзингизни қизиқтирган бошқа саволларга батафсил жавоб ва маълумот олишингиз мумкин.

Телефонлар: 44-53-77, 44-52-70, 44-53-68.

Факс: 44-53-83

Аризаларни қабул қилишнинг охириги куни - 28 апрел, 1994 йил.

Уй-жойларни хусусийлаштириш ким ошди савдоси 1994 йил, 30 апрел куни, соат 11.00 да.

Ким ошди савдоси Ўзбекистон шоҳ кўчасидаги 98-уй, "Киночилар уйи" да ўтказилади.



Ўзбекистон футбол мамлакати бўлади

ХУАН САМАРАНЧ

ЎЗБЕК МУХЛИСЛАРИ ОРАСИДА



ЎЗБЕКИСТОН: Б. Олпонматов, Ф. Давлетов, А. Фёдоров, У. Рўзимов, А. Тихонов, О. Тиллаев, М. Отамонов, А. Маъруфалиев [В. Келдиёв—88], Р. Абдуллаев, Ш. Мақсудов [Н. Ҳасанов—46], Р. Дўрмонов.

ҚОЗОҒИСТОН: О. Воскобойников, Р. Гумар, А. Лисин, Қ. Мустафоев, Қ. Сламбеков, Қ. Аубакиров, О. Капустников, Н. Курганский [А. Курдюмов—59], Т. Турмоғамбетов [М. Низовцев—75], Г. Макаев, А. Мирошниченко. Ҳакамлар: А. Бобоев, А. Алкмо, А. Майоров [барчаси Тожикистондан].

ТУРКМАНИСТОН: И. Омелченко, Р. Бойлмев, Ч. Сейдиёв, В. Телляков, Д. Корж, К. Мингазов [С. Плющенко—54], В. Золотухин, О. Аннаурдиев, О. Мередов [Ю. Мадиев—63], Р. Мухадов, М. Огаев.

ҚИРҒИЗИСТОН: З. Жалилов, М. Жумаев, В. Кононов, Р. Урмаев, Р. Моргунов, А. Мақсудов [А. Рибакон—36], О. Клименко [В. Рогованов—23], Д. Коваленко, К. Ишенбоев, А. Мамунов, И. Сергеев, Бош ҳакам А. Кулаков [Қозғистон].

Ҳисоб 3:1. Тўпларни К. Мингазов [8], Р. Мухадов [10,30], В. Золотухин [20], М. Жумаев [24-дақиқада ўз дарвозасига]; И. Сергеев [66] киритишди.


УЧРАШУВ олдида ўйингоҳга юртимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро олимпиада кўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч ташриф буюрди. Мухлислар билан деярли лиқ тўлган «Пахтакор» ўйингоҳи ХОҚ президентини олқишлар билан кутиб олди. Х. Самаранч майдонга чиқишга шайланган Қозғистон ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари футболчиларининг бирма-бир қўлини сиқиб, илк марта ФИФА ҳамда ОФК паноҳида ўтказилаётган Тошкент

халқаро турнири билан қўлга тушди. Шундан сўнг футбол марши янграб, бош ҳакамнинг учрашуви бошлаш ҳақидаги хушхабар чалинди. Олдинги учрашувда ҳамюртларимиз турнирнинг нуфузи саналган туркманистонликларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратганидан сўнг кўпчилик мухлислар ва мутахассислар ушбу учрашувда ҳам терма жамоамизнинг галаба қозонишига шубҳа қилишмаган эди. Қозғистонликларнинг биринчи учрашувининг шохиди бўлганлигимиз ва унда қардошларимиз юқори дара-

жали ўйин кўрсатолмаганлиги туфайли биз ҳам шундай фикрда эдик. Қолаверса, ўтган йилги мавсумда «кун» медал соҳиби бўлган «Пахтакор» жамоасининг шу йил Хиндистон турнирида Қозғистон чемпион «Ангат»ни йирик ҳисобда (4:0) мағлубиятга учратгани ҳам ҳар хил тахминларга ўрин қолдирмасди. Учрашув олдида терма жамоамизнинг мураббийларидан бири Асқар Толиқоновга дуч келиб, у кишининг ҳажжонли хавотирларини тинглаш, бизнинг ҳам кўнглимизга бироз ҳадик тушиди.

Дастлабки дақиқалардан қозғистонликлар ташаббусни ўз қўлларига олиб, деярли биринчи бўлим давомида устунликка эришгач, Асқар ақанинг ўз соҳаси билмидони эганига яна бир карра амин бўлди. Иккинчи бўлимда эса терма жамоамиз бироз устунлик қилди. Бунга биринчи бўлимда жароҳат олган жамоа сардори Шухрат Мақсудовни яна майдонда кўрагимизми? — деган саволга: «Ҳа, унинг жароҳати оғир эмас», деб жавоб берди.

Матбуот конференциясида ҳар икки бош мураббий учрашув ҳақамларидан норозилигини билдиришди. Ҳақиқатан ҳам ҳақамлар бу учрашувда бир қатор хатоликларга йўл қўйишди. Қозғистон терма жамоаси бош мураббийси Б. Боймухамедов ўз кўрсатмаларини шогирдлари деярли тўлиқ бажарганлигини қайд этди. Р. Акромов эса, аксинча, ўйинчиларимизга бундай йирик ишончли галабадан сўнг уларнинг руҳий хотиржамликка тушишганлигини айтди. «Кейинги учрашувда Мақсудовни яна майдонда кўрагимизми?» — деган саволга: «Ҳа, унинг жароҳати оғир эмас», деб жавоб берди.



ришган эди. Биз эса ярим финалга чиқдик. Бугунги ҳар икки терма жамоамизнинг ўзгани эса ўна чемпион командаларнинг ўйинчилари ташкил қиларди. Башорат шундай.

Мухлисларга яна шуни маълум қилишимиз мумкин, Ўзбекистон терма жамоаси билан бўлган ўйиндан сўнг В. Дурдиев, командамиз турнирда учинчи ўринни олса керак, деганди. Бу галабадан сўнг эса бош мураббий иккинчи ўринни кўзлабтанилигини айтди.

Бугун навбатдаги тур учрашувлари ўтказилади. Туркманистон ва Қозғистон терма жамоалари ўртасидан «Пахтакор» ўйингоҳидаги учрашувнинг қизиқарли ўтиши кўтилмоқда. МХСК ўйингоҳида эса Тожикистон — Қирғизистон терма жамоалари ўзаро куч синашилади.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. А. МАМАДАМИНОВ суратга олган.

МУРАББИЙНИНГ БАШОРАТИ ТЎҒРИ ЧИҚДИ

да ўйин бошланиб, суҳбатимиз чала қолди. Шунга қарамай жамоа бошлигининг галабасига ишончи йўқлигини аниқлаш қийин эмасди. Ҳақиқатдан ҳам учрашув бизнинг тасавурида пайдо бўлган тушунча асосида бошланди. Туркманистонликлар бутун майдон бўйлаб ҳужумчиликни ўз қўлларига олишди. Сақиничи дақиқадаёқ Комил Мингазов қирғизистонликлар дарвозасини ишғол қилди. Шундан

сўнг бири-кетини 20 дақиқа ичида Қирғизистон терма жамоаси дарвозасига яна тўрт марта тўп киритилди. Улардан икитасини бир пайтлар Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасида тўп сурган Равшан Мухадов дарвозага йўллади. Айниқса у иккинчисини чиройли амалга оширди. Иккинчи бўлимда туркманистонликлар анча соувқон, хотиржам ўйнашди. Чунки учрашув тақдирини ҳал

бўлган эди. Рақибларнинг ана шу хотиржамлигидан фойдаланган Қирғизистон терма жамоасининг ҳужумчиси Игор Сергеев битта жавоб тўпини йўллашга муваффақ бўлди. Учрашув 5:1 ҳисобида якунланди. Матбуот конференциясида Байрам Дурдиевдан учрашув олдида қилган баъоратининг сирини сурадик. — МДХ чемпионлари турнирида қирғизистонликлар энг кўп тўп ўтказиб юбо-

Table with 6 columns: Турнир, У, Ю, Д, М, Т, Н, О. Lists results for Uzbekistan, Turkmenistan, Qozgiston, Tojikiston, Kirgiziston.

ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ КЎПАЯДИ

Қуриқ Комсомолобод туманининг қум барханлари оралигида янги қурилиш ашёлари комбинати барпо этилди. Корхонада аввалига йилга икки ярим миллион дона ишиқ гишт ишлаб чиқариладиган ярим-автоматлаштирилган тармоқ ва хумдонлар фойдаланишга топширилди. Кейин бетон, асфальт, оҳак плёнка цехлари ишга туширилди. Комбинатда қарийб 90 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. Ўзги мавсумда бу ерда меҳнат қиладиганлар икки баробар ортгани кўрада тўтилмақда.

ФРАНЦИЯГА БАҒИШЛАНГАН ДАРС

Урганч шаҳар мактабларида Францияга бағишланган ўқитиш соатлари ўтказилиш мунтазам тус олмоқда. Бу сабақларда ўқувчилар дўст мамлакат ҳаёти билан танишади.

Жиноят жазосиз қолмайди

Пудина қишлоғида истиқомат қилувчи Абдумурод Нарзуллаев Элшан Мамедов билан танишдию, қармоғига олтин балиқ илингандек қувониб кетди. Мамедов Қашқадарёга енгил машина сотиб олиш учун келганди. Абдумурод бир зумда унинг қўнглига «Йўл» тоиди. Меҳмон кечкурун унинг уйида қолди. Аммо мезбон уни болта билан «сийлади» ва мурдани ошхонадаги газ плитасининг тагига кўмиб ташлади. Аммо Қарши шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг муовини, милиция майори Б. Очлов, жиноят

ди, Франция тўғрисида ҳиқоя қилувчи ҳужжатли ва бадиний фильмлар намойиш этилади. Бу тадбирлар Франция Президенти Франсуа Миттераннинг мамлакатимизга расмий ташрифи арафасида амалга оширилаётгани қувончли. ҲаА мухбири.

қидирув бўлими ходимлари В. Калонов, К. Пиров ва Қарши шаҳар прокуратураси терговчиси В. Эрматовнинг саъй-ҳаракати туфайли қотиллик фош этилди. Абдумурод Нарзуллаев 15 йил озоликдан маҳрум этилди.

Б. ҲАСАНОВ, Қарши шаҳар прокуровори, адлия ички наслахатчиси. У. ҲАЙДАРОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳининг катта нозири, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ТАДБИРКОРЛИК БОР ЖОЙДА ҚУТ-БАРАКА АРИМАЙДИ

Халқимизда «Отанг маҳалла — онанг маҳалла» деган қадимий нафл бор. Чиндан ҳам фарзанд учун аввалига баҳони маҳалла — унинг оқсоқоллари берилади. Бир пайтлар бу анъана кўп қаватли уйларда яшовчилар учун эътиборсиз қолди эди. Сўнгги пайтларда маҳалла оқсоқоллари фаолиятига алоҳида эътибор берилиши, бу борадаги фармонлар кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчиларнинг ҳам «бир ёқадан бош чиқариб яшашга» даъват этмоқда. Бизнинг «Марказ-13» мавзесинида олиб бурилаётган ишлар ҳам бунга эргин мисолдир. Мавзеимизнинг ташкил топганига 20 йилдан ошган. Бу ердаги 5-, 6-, 7-8-уйларнинг аҳолиси ҳар бир ишда — тую маъракаларда, байрам ўйинларида ҳамқору ҳамнафас. Маҳалламизнинг ободчилиги ва кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг мустаҳкамлашишида маҳалламиз кўмитасининг раиси Овод Йулдошевнинг ҳиссаси катта. Яқинда Овод ақанинг ташаббуси билан маҳалламизда катта ҳашар ўтказилди. Ариқлар тозаланиб, қуриган дароҳт шохлари кесилди. Домлар атрофи супуриб-сидирилди. Некса отахонларини бу ишда бошқоқ бўлиб, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатдилар. Маҳалламиз клубида ҳам тез-тез турли хил тадбирлар бўлиб туради. Кейинги йилларда 8 Март — хотин-қизлар байрами, Наврўз олам тантаналарининг нишонланishi яқин анъанага айланди. Тадбиркорлик бор жойда қут-барак бўлади деганларидек, маҳалламизда кўпгина хайрли тадбирлар ҳам режалаштирилган. Шулардан бири — яқин кунларда ўтказиладиган сумалак сайилдир. Ушбу сайлда маҳалламиздаги барча миллат вакиллари баб-баробар иштирок этадилар. То тонггача давом этаётган бу сайл маҳалламизда истиқомат қиладиган ўнлаб миллатлар ўртасидаги тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашда катта омил бўлди.

СЎМ-КУПОНЛАРГА Сочи, Ялта, Кисловодск курортларида ажойиб дам олишингиз мумкин. We invite foreign companies to cooperation. 15-21 кун 465-1.250 минг с.кўп. (тўлов ихтиёрий шаклда).

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки валюта алмаштириш шаҳобчаларида ишлайдиган ходимларни қабул қилади. Номзодлар инглиз тилини билишлари ва бухгалтерия ҳисобидан иш тажрибасига эга бўлишлари керак. Мукофотлар эркин муомаладаги валютада тўланади. Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 5 кун ичида қабул қилинади. Алоқа учун телефонлар: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқар Миллий банкнинг Тошкент шаҳар бўлими - 54-38-18. Миллий банкнинг ходимлар билан ишлаш бошқармаси - 32-74-95. Миллий банкнинг савдодан ташқари операциялар бўлими - 33-76-67,33-40-68.

Халқ сўзи Народное Слово. ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЯҚУЗИЕВ, Эсирған БОЛИЕВ [масъул котиб, «Халқ сўзи»], Эркин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ [бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»], Лев ПАК [бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»], Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ [масъул котиб, «Народное слово»], Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммадjon ҚОРАБОВ, Саидхорр ГУЛОМОВ.

Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ ТИФ Миллий банки, ТИАВнинг «Экспомарказ» РКСМ, «ЦМИ» инновация фирмаси, «Central Asia-XXI» АЖ. ЗАМОНАВИЙ БИЗНЕС УЧУН ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР. CENTRAL ASIA - HALQARO BANK & OFFICE '94' КЎРГАЗМАСИНИ. 10-15 майда ЭКСПОМАРКАЗда (сабқч ХХЮК) НАМОЙИШ ЭТАДИЛАР. Банк фаолиятларини автоматлаштириш, бизнесни ташкил этиш ва бошқариш воситалари, ташкилий техника ва алоқа воситалари, офис учун ускуналар ва меъбеллар. ИШТАРКОНЧИЛАР: Bank Xerox, Lotus, Valenfin, Москва Sparc-технологиялар маркази, ComputerLand, MCS ICL, RISO. Курғазма маъмурияти: Ўзбекистон, 700077, г. Тошкент, Буюк Ипак йўли, 71/11, ЦМИ. Алоқа телефонлари: 68-88-47, 68-83-64, 68-22-20, факс: 68-75-98, 67-64-77. ХОМИЙЛАР: ICE, Nikon, «УЗСЕРОКС» ҚК.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти жамоаси нашриёт ходими Д. Ҳамроева волидан муҳтарамаси Мархабо ҲАМРОЕВанинг вафоти муносабати билан таъзия нэхор қилади. Тошкент шаҳар ҳалқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси ва Тошкент Давлат университетининг касаба уюшмаси кўмитаси ТошДУ таъабалар касаба уюшмаси кўмитасининг раиси М. Тожибоевга отаси М.Т. ТОЖИБОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нэхор қилади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши жамоаси федерация кенгашининг собиқ бўлим мудирини Мустафо ЗОКИРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик нэхор этади. Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси жамоаси республика радиосининг некса ходими, журналист Турғул ЯЙЛОВОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, Оллоҳдан марҳумнинг охирати обод бўлишини тилайди.